

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

## УСТОЗЛАРГА ҲУРМАТ – АЖДОДЛАРДАН МЕРОС

(Илмий-назарий тўплам)

Бухоро давлат университети “Жаҳон тарихи” кафедраси  
профессори, тарих фанлари доктори Шодмон Аҳмадович  
Ҳайитовнинг илмий-педагогик фаолиятининг 40 йиллиги ва  
таваллудининг 60 йиллигига бағишланади

“Дурдона” нашриёти  
Бухорои шариф - 2022

борасида янада фидойийлик билан фаолият кўрсатишига қатъий ишонаман.

Шодмон Ҳайитовни Ўзбекистоннинг алп тарихчи олимларидан бири, деб биламан. Алпларнинг улғуворлиги узоқ-узоқлардан ҳам кўзга ташланади. Унинг ҳозиргача яратган ва бундан буён яратадиган илмий-тадқиқот ишлари ўзининг долзарблиги ва улғуворлиги билан нафақат Республикамизда, балки хорижий мамлакатларда ҳам ўзининг буй-бастини кўрсатиб туришига аминман. Зукко олим ва ҳаёгдан ҳикмат излаб яшаган камтарин ва самимий инсон, тарих фанлари доктори, профессор Шодмон Ҳайитовни 60 ёшга киргани билан самимий табриклаб, мустақкам соғлик, янада улкан илмий-ижодий ютуқлар ва келгусидаги эзгу орзуларининг рўёбини тилайман.

## ЮТУҚ ВА МУВАФФАҚИЯТЛАР АСОСИ

Соҳиб Саидович РАУФОВ

БухДУ Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди.

Бухоролик тарихчи олим, тарих фанлари доктори, профессор Шодмон Аҳмадович Ҳайитов ўзининг узоқ йиллик машаққатли меҳнати, зуққолиги ва интилувчанлиги билан олим деган шарафли мақомга эга бўлди.

Шу нарсга диққатга сазоворки, олимлар бутун дунё бўйлаб тарқалган ва бутун инсониятга тегишли. Улар бир-бирини қидиради, бир-бири билан алоқа қилади. Олимларнинг учрашувлари ва мулоқатини таъминлаш шакллари ҳар хил ном билан аталади-булар республика ҳамда халқаро миқёсда ўтказиладиган семинарлар ва конференциялар, симпозиумлар ва конгресслар. Проф. Ш. Ҳайитовнинг ун маърузалари билан ана шундай халқаро ва республика анжуманларида иштироки уни мамлакатимиз тарихининг зуққо билимдони сифатида мамлакатимиз ва дунё или ахлига таништиряпти десак хато қилмаймиз.

Олимлар ўртасидаги мулоқотнинг энг қулай ва кенг тарқалган йўли-олимларнинг илмий асарларини эълон қилишдир. Махфий ишловларни ҳисобга олмаганда, ҳар бир олим муаммога нисбатан ўз ёндашуви, эришган натижалари билан бутун дунёни таништиришга ҳаракат қилади. Шу маънода проф. Ш. Ҳайитов томонидан эълон қилинган ишлар ҳам анча салмоқлидир. Тарихимизнинг турли мавзуларига бағишланган монография, рисола ва мақолаларида ўзининг илмий қараш ва хулосаларини инкор қилиб бўлмас фактлар билан асослаб берадики, бу олимнинг зуққолигидан, тарихий воқеа ва ҳодисаларни қанчалик чуқур билишидан далолат бериб, унинг халқимиз ҳамда илм аҳли орасида обрў-эътибор топишига хизмат қилмоқда.

Олимликнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири — бу шогирдлар тайёрлашдир. Бу йўналишда ҳам проф. Ш. Ҳайитов томонидан амалга оширилган ишлар мақтовга сазовордир. Ҳозирга қадар унинг 10га яқин шогирдлари турли мавзуларда диссертациялар ёқлаб, тарих фани бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олган бўлса, яна бир қатор шогирдлари диссертация тадқиқотлари устида илмий — тадқиқот ишлари олиб бормоқда. Бу эса проф. Ш. Ҳайитов ўз илмий мактабини яратганлигидан далолат беради.

Олимликнинг яна бир хусусияти ўз билимларини ёш авлодга етказишдир. Бу йўналиш проф. Ш. Ҳайитовнинг асосий иши бўлиб, мана 40 йилга яқин у талабаларга мамлакатимиз ва жаҳон тарихининг долзарб муаммоларини ёритиб берадиган турли фундаментал фанлардан маърузалар ўқийди, амалий ва семинар машғулотлари ўтказади. Унинг маърузалари ўзининг илмийлиги, тарихий фактларга бойлиги билан ажралиб туради. Нутқининг равонлиги, воқеа - ҳодисаларни ўзига хос шижоат ва маҳорат билан тушунтириши талабаларда унинг маърузаларига бўлган қизиқиш ва иштиёқни оширади.

Биз юқорида келтирган фактлар проф. Ш. Ҳайитовнинг серқирра ва сермахсул олим эканлигидан далолат беради.

## Устозларга ҳурмат – аждодлардан мерос

Шу ўринда табиий савол туғилади, Ш. Ҳайитов кўлга киритаётган ютуқ ва муваффақиятларнинг асосини нималар ташкил этади?

Биринчи навбатда Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигига эришганлиги проф. Ш. Ҳайитов илмий фаолияти учун катта имкониятлар яратиб берганлигини эътироф этиш лозим. Мустақиллик туфайли тарих фани совет мафкураси ва унинг ғоявий қолипларидан озод бўлди. Жамият ҳаётида амалга ошаётган муҳим ижтимоий жараёнлар тарих фани олдига ўзбек халқининг ҳаққоний тарихини яратиш, тараққиётнинг турли босқичларида жаҳон ҳамжамиятида унинг ўрни ва ролини аниқлаш, тарихий билимларни оммалаштириш ва тарғиб қилиш орқали миллатнинг маънавий ахлоқий қадриятлари, маданияти, қадимги анъаналарига қайтиш вазифаларини кўйди. Проф. Ш. Ҳайитов бу имкониятлардан унумли ва самарали фойдаланди.

Проф. Ш. Ҳайитовнинг замонасининг илғор зиёлиларидан бўлган, илм ва маърифатга интилувчи қишлоқ ўқитувчиси Аҳмад ака оиласида дунёга келиши ҳам бўлажак олимнинг шаклланишига ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Гап шундаки, Аҳмад ака фарзандлар ўқишига жуда катта эътибор қаратган. Натижанда бу оилада туғилиб, тарбияланган фарзандларнинг кўпчилиги олимлик мақомига эришиб, сулола олимлар сулоласи деган шарафли номга сазовор бўлди.

Ўрта мактабни аъло баҳоларда тугатган Ш. Ҳайитовнинг Бухоро давлат педагогика институти (ҳозирги БухДУ) Тарих факультетига ўқишга кириб, ўша даврнинг таниқли олимлари – тарих фанлари доктори, проф. Ф.Ҳ.Қосимов, тарих фанлари номзодлари, доцентлар Н.Й.Йўлдошев, Ш.О.Болтаев, Ж.Б.Баракаев каби устозлардан тарих илмининг сирларини ўрганганлиги унинг етуқ тарихчи олим бўлиб шаклланишида ҳал қилувчи омиллардан бири бўлди десак хато қилмаймиз.

Ш. Ҳайитовнинг фарғоналик таниқли тарихчи на этнограф олим, тарих фанлари доктори, профессор А.Абдулхамидов, шунингдек, таниқли олима тарих фанлари

## Устозларга ҳурмат – аждодлардан мерос

доктори, профессор Д.А.Алимова каби етуқ олимлар раҳбарлиги ва илмий маслаҳатчилигида номзодлик ва докторлик диссертациялари устида илмий тадқиқот ишлари олиб борганлиги ҳам муваффақиятлар омили бўлиб хизмат қилди.

Энг асосийси, Ш. Ҳайитов муваффақиятларининг асосини унинг билимдонлиги, илмга интилиши, меҳнаткашлиги, ўзига ва шогирдларига нисбатан талабчанлиги, илм йўлида ҳеч қандай компромиссга бормаслиги каби сифатлар ташкил қилади.

Илм йўлига кириб ўзининг мустаҳкам ўрнини топган ва шаҳдам қадамлар билан олдинга интилаётган проф. Ш. Ҳайитовга илмий парвозлар, омад, соғлиқ ва узоқ умр тилайман. Оилангиз, шогирдлар ҳамда дўстлар бахтига доимо омон бўлинг.

## ИЛМУ ФАНГА БАХШИДА УМР

(Бухоро давлат университети профессори, тарих фанлари доктори, Шодмон Аҳмадович Ҳайитов ҳақида сўз.)  
Рауф Жўраев

Адиб, шоир ва меҳнат фахрийси.

Бир ғариб кўнглини эта олсанг шод,

Яхшидур юз кўлни этгандан озод.

Лутфингла бир дилни кўл қила олсанг,

Яхшидур ер юзин этгандан обод

Саъдий Шерозий.

Қадрдонларим, илму фан фидойилари, Ҳайитовлар хонадони билан дўстлик ришталарининг боғланиш тарихини ёзишим учун гапни сал узоқроқдан бошлашимга тўғри келади.

2009 йилда Когон туман 16-умумтаълим мактабида директор лавозимида ишлар эдим. Хизмат тақозоси билан Когон шаҳар педагогика коллежига бордим. Коллежда Асроржон Аҳмадович Ҳайитов директор вазифасида

Устозларга хурмат – аждодлардан мерос

Чориев А.	Муҳожирлар тадқиқотчиси	80
Нормуродова Г.Б.	Серқирра тарихчи олим ва бағрикент инсон	83
Турсунов С.Н.	Устозлардан ибрат олиб шогирдларнинг комил устозига айланган аллома	85
Жумаев Р.Ф.	Устоз, таъзимдамиз	89
Бадридинов С.	Илм билан бошланган дўстлик	91
Сирожев О.С.	Хайитов Шодмон Аҳмадович 60 ёшда	95
Жумаев А.	Юксак иқтидор эгаси	97
Рашидов О.Р.	Хаёт фалсафасини ўргатган устоз	100
Аминова А.М.	Жизнь дарованная науке	104
Халимов Т.А.	Шижоатли олим ва нотик	106
Ширинова Ф.И., Хамроева С.И.	“Ўзимизга тортдими ҳозирги ёшлар ...?”	107
Бакаев Н.Б.	Тарихчи донишманд олимнинг ойдин йўли	110
Бахронов Б.Б.	Ибратга йўрилган нурли йўл	112
Ҳошимов С.	Эзгу ниятларга йўғирилган ҳаёт	114
Даминов Н.А.	Илм масканини яратган устоз	115
Шарилова О.Т.	Фидойи олим, беназир дўст, меҳрибон устоз	119
Болтаев Ш.О.	Олимлик даражасини улуғлаган инсон	120
Алламов А.А.	Интилганга толе ёр	123
Орзиев М.З.	Устознинг чексиз меҳри	126
Маттиев Ў.Б.	Устоз Ш.А. Хайитовнинг Афғон фуқаролари тарихига оид тадқиқотларига бир назар	130
Йўлдошев С.	“Чин тиғи билан оломмаган Фарғонани кутлов хати	133
Собиров Н.	Мозийдан “марварид” излаган тарихчи олим	137
Арслонзода Р.	Инсонийлик ва олимлик тимсоли	144
Шарафиддинов А.	Фарғонага меҳри баланд дўстимиз Шодмон Хайитов ҳақида сўз	148
Раҳматиллаев Ҳ.	Забардаст тарихчи олим	151

Устозларга хурмат – аждодлардан мерос

Утаева Ф.Ҳ.	Таниқли тарихчи олим	153
Хайдаров Й.Ҳ.	Зукко олим ва ҳаётдан ҳикмат излаган инсон	155
Рауфлов С.С.	Ютуқ ва муваффақиятлар асоси	160
Жўраев Р.	Илму фанга бахшида умр	163
Ҳамидов Б.И., Холлиев Ж.О.	Ўзбеклар дунёсининг забардаст тадқиқотчиси	166
Ортиқов З.З.	Устоз - отангдай улуғ ёхуд қадр баланд устоз	168
Умаров Б.Ж.	Чинаккам илм ва юксак одоб соҳиби	171
Ортиқов О.Р.	Устоз отадек улуғ, буюк зот	172
Исоев О.	Беғубор қалб эгаси	174
Қушаков С.Ю.	Илм йўлида жасорат кўрғонинг посбони	177
Раҳимов Н.К.	Ўзбек муҳожирлиги тарихининг етук олими	179
Джураева Л.А.	Билим нурун таратган зот	182
Раджабова Н.	Устоз	183
Ҳайитов А.А.	Илм бобида нур, камтарликда комилликни касб этган олим	185
Аҳмадов А.А.	Тафаққури уммон, иродаси метин олим	188
Тошов Х.Р.	Элини “Достон” қилган олим	190
Мирзақулов Б.Т.	Изланувчи олим ва устоз	194
Турсунов Р.Н.	Илм-фан фидойиси ва бағрикент устоз	195
Жумаев Қ.Ж.	Манфаатли илм соҳиби	197
Мажидов Ж.Ж.	Шогирдлар ардоғидаги устоз	198
Темиров Ф.У.	Илму-маърифатда шодмон ҳаётда ҳам Шодмон устоз	200
Мамаражабов Б.Н.	Шогирдлар ардоқлаган устоз	203
Нормаматова П.О.	Устозга хурмат – биз учун бахт	205
Абдуллаев Ж.И.	Эл ардоғидаги инсон ва жонқуяр устоз	206
Бейитов М.А.	Устоз, ўқитувчи, мураббий!	209
Файзиева Ф.	Ибрат китобидан бир соҳифа	210
Ахмедова М.Х.	Перспективний учений	212
Мустафоев Б.И.	Тарихчи олимнинг муслиқий маданияти	215